Узбекистон Республикаси Бош Давлат
Санитария врачи Б.И.Ниёзматов 1998 йил
5 майда тасдикланган

Профилактик дезинфекция ишлари олиб бориш учун тузиладиган

# Ш А Р Т Н О М А № 04

«03» январ 2022 й.

«Муборак туман хужалик хисобидаги **Дезинфекция станцияси « Иш бажарувчи»** бош врач К. Тухтаев корхона низомига, Республика Президент ва Вазирлар Махкамаси фармон ва карорларига асосланган холда бир томондан ва иккинчи томондан «Буюртмачи» деб номланувчи Уз.Х.К. Бошлиги Р.Н Авлакулов куйидагилар хакида ушбу шартномани туздилар.

Шартнома муддати «03» январ 2022 йилдан «31» декабр 2022 йилгача.

## 1. ИШ ХАЖМИ

1.1 «Буюртмачи» топширади, «Иш бажарувчи» куйидаги объектларни курсатилган хажми профилактик дезинфекция, дезинсекция ва дератизация ишларини бажаришни уз зиммасига олади.

| № | Ишларнинг тури | Улчов бирлиги | Бир йилда неча марта | Улчов хажми м³ | | Улчов бирлиги нархи сум | Сумма | ККС | | Йиллик тулов сон |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Физик майдон | Оператив майдон | | | ставка | Суммаси | |
| 1. | Микробларга карши | м² | 12/2 | 5450 | 130800 | 154-00 | 20143200 | 15 | 3021480 | 23164680 |
| 2. | Бурги ўлдиришга к/к | м² | 12/2 | 5450 | 130800 | 195-00 | 25506000 | 15 | 3825900 | 29331900 |
| 3. | Бинодаги кемирувчи | м² | 12/2 | 5450 | 130800 | 175-00 | 22890000 | 15 | 3433500 | 26323500 |
| 4. | Хонадаги чивинга к/к | м² | 12/2 | 5450 | 130800 | 195-00 | 25506000 | 15 | 3825900 | 29331900 |
| 5. | Ахлат дезинфекция | м² | 12/2 | 50 | 1200 | 2790-00 | 3348000 | 15 | 502200 | 3850200 |
| 6. | Хожат дезинфекцияси | очко | 12/2 | 50 | 1200 | 3845-12 | 4614144 | 15 | 692121,60 | 5306265,60 |
| Жами: | | | | | | | 102007344 | | 15301101,60 | 117308445,60 |

Шартнома хажми суммаси куйидаги микдорда белгиланади (ёзма равишда) Бир юз ўн етти миллион уч юз саккиз минг тўрт юз қирқ беш сўм 60 тийин.

1.2 Иморатни,бинони, хоналарни, ховли санитария курилмаларини, худуднинг бинолар курилмаган кисмларини ишлов бериш тартибини ва мухитини «Иш бажарувчи» белгилайди. «Буюртмачи» шартномада курсатилган объектларни бир вактнинг узида иш олиб боришни талаб кила олмайди, чунки дезинфекция ишларини утказиш регламенти согликни саклаш вазирлиги томонидан тасдикланган курсатма ва услубий кулланмаларга асосан олиб борилади.

1.3 «Буюртмачи» хашоратлар ва кемирувчиларга карши шартномасига барча курилма майдонларининг умумий фойдаланиладиган асосий майдон, яшаш хоналари, йулаклар,девор жавонлари,сан узел, ошхона, зинапоя, ховли майдони ва ёрдамчи майдонлар (ер тула,чердак, техник ертула, ахлат камераси, Сарой, устахона ва бошка курилмалар) ва курилмалар йук майдонини киритади.

1.4 Майдон хажми факат техник хизмат курсатиш бюроси (БТИ) томонидан белгиланган техник паспорт асосида белгиланади.

1.5 «Иш бажарувчи»га шартномада курсатилган иш хажмини текшириб куриш хукуки берилади. (курилмалар сони ва уларнинг майдони) ва курсатилмай колган майдон аникланган такдирда «Буюртмачи» уни шартномага киритади ва яширган майдон учун шартнома кучга кирган кундан бошлаб пул тулайди.

## ДЕЗИНФЕКЦИЯ ИШЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАКСАДИДА «БУЮРТМАЧИ» КУЙИДАГИЛАРНИ УЗ ЗИММАСИГА ОЛАДИ.

2.1 Ушбу шартнома учун жавобгар шахсни тайинлаши. Бу шахс объектнинг ахлат камераларининг санитария холати, корхона худудининг тозалиги учун жавоб беради, объектни текшириш ва ишлов беришда хамрох булади ва килган ишлар учун хужжатларини имзолайди ва корхона мухри билан тасдиклайди. Жавобгар шахснинг Ф.И.О.мансаби телефон раками

2.2 Ишлов берилаётган объектларда барча техника хавфсизлиги чораларига амал килишини таъминлаш ( кулланиладиган дезмоддага нисбатан) «Иш бажарувчи» нинг талабига асосан дезинфекция тадбирларини утказиш учун объектларни ёпиш жадвалини топшириш.

2.3 Биноларни ишлов бериш учун уз вактида ва сифатли тайёрлаш.

2.4 Хураклар куйиш учун зарур булган махсулотларни тайёрлаш ёки сотиб олиш «Назорат майдончалари, трубкалар, хурак ящиклари ва х.к.) ва «Буюртмачи» худудида уларнинг йуколиб кетмаслигини таъминлаш.
2.5 Барча хоналарга кириш имкониятини таъминлаш, уларни ёритиш, электр хавфсизлигини таъминлаш.
2.6 Дератизация утказувчи шахслар учун ишлашга кулай шароитлар яратиб бериш учун девор томондан камида 70 см очик жой колдириш, стелажларнинг пастки томони ердан камида 25 см юкори булишини таъминлаш.
2.7 Иш юритувчининг курсатмасига асосан кемирувчилар уяларини,турли тешик ва кавакларни беркитиб ташлаш учун материал ва ишчи кучи Билан таъминлаш.
2.8 Кемирувчилар ва хашоратлар купайиши ва яшаши учун кулай шароитларни йукотиш.

## 3. «ИШ БАЖАРУВЧИ» КУЙИДАГИЛАРНИ УЗ ЗИММАСИГА ОЛАДИ.

3.1 Профилактик дезинфекция ишларини олиб боришда Узбекистон Республикаси ССВлиги томонидан рухсат этилган дезмоддаларни куллашни.
3.2 Рухсат этилган ва амалда кулланилаётган ташкилий-методик курсатма ва йурикно-маларга асосан ишлашни.
3.3 «Буюртмачи»га ишлаётган дезмоддалар хакида эхтиёт чораларини тушунтириш ишларини олиб боришни.
3.4 «Буюртмачи» худудида кемирувчи ва хашоратлар таркалишига омил буладиган шароит ва сан.техник камчиликларни топишни ва уларни йукотиш ва йул йурикни «Буюртмачи»га тушунтиришни.
3.5 «Буюртмачи» объектига кемирувчи ва хашоратларни кириб келишининг олдини олиш максадида профилактик текширув ва ишлов беришни.
3.6 Кемирувчи ва хашоратлар борлиги аникланган такдирда уларги Карши жадал кураш ишларини олиб боришни.
3.7 Кемирувчилар сонини ( кириш ишлари бошлангандан камида уч ойдан сунг) хашоратлар сони ( камида олти ой муддат ичида), барча худудда иш олиб бориш учун шартнома тузилган булса, энг кам микдорда таъминлашни.
Шунингдек, «Буюртмачи»дан дезинфекция ишларини хавфсизлигини ва самарадорлигини шартноманинг 2- бандига асосан таъминлашни талаб килади.

## 4. ТОМОНЛАР ТАЛАБИ.

4.1 Агар туловлар «Буюртмачи томонидан вактида туланмаса,бу «Иш бажарувчи» учун ишларни тухтатишга ва хажмини узгартиришга асос булмайди, «Иш бажарувчи» томонидан шартномада курсатилган ишлар олиб борилади.
4.2 «Иш бажарувчи» кемирувчилар ва хашоратлар томонидан етказилган зарар учун жавобгарликни буйнига олмайди, чунки унинг фаолияти уларнинг сонини камайтиришга каратилган.
4.3 Агар «Иш бажарувчи» томонидан шартномада курсатилган мажбуриятлар (Ушбу шартноманинг 3-булимига каранг) бажарилган такдирда «Буюртмачи» томонидан шартнома муддатидан олдин бузилса, бундай холда буюртмачи колган сумманинг хаммасини 10 кун муддат учида тулайди.
4.4 Ушбу шартнома буйича муаммолар иктисодий суди органларида хал килинади.
4.5 Агар томонлардан бирортаси шартнома тузилганлиги ёки узгартирилгани хакида бир ой аввал хабар килмаса шартнома яна бир йилга узайтирилган саналади.
4.6 Шартномада курсатилган ишларни бажарганлиги учун «Иш бажарувчи» фоиз туламайдиган, «Буюртмачи» эса «Иш бажарувчининг» маьмурий биносида ижарага турганлиги учун ижара хаки туламаслик шарти икки ташкилот маьмурияти томонидан келишилди.

ВИЗАЛАР

| ФИШ | мансаби | имзо |
|---|---|---|
| Кенжаев Н.А. | Хизмат командири | |
| Зойиров З.Э | Бош хисобчи | |
| Рахмонов Б.Л. | Хукукшунос | |

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛГОХЛАРИ:

**«Иш бажарувчи»**

Муборак Дезинфекция станцияси
Муборак шахри ОКНХ 91530
х/р 20210000500395069001
ИНН: 200697575 МФО: 00844
Миллий банк Муборак шахри
+998939036555

Бош шифокор________

Мухр

**«Буюртмачи»**

O'zbekneftgaz ... OCHIQ NEFT VA GAZ FAVVORALARINING ... VA BARTARAF ETISH BO'YICHA HARBIYLASHTIRILGAN QISMI
H/R 20210000100381865001
MUBORAK SQB, STIR: 200698487
86, OKED: 84220

________

Мухр